



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ТАРГИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Курбанов Гани Абилович

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази
катта ўқитувчиси, дотсент, резервдаги подполковник.

тел:+998977772825

Аминжанов Қурбон Хабибулаевич

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази
катта ўқитувчиси, резервдаги полковник.

тел:+998977202209

Хамидуллаев Фатхулла Лутфулла ўғли

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
талабаси

тел:+998930611908

hamidullayevfatxulla@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнида замонавий таргигбот технологиялари, маънавий-маърифий ишлар тизими тадбирларини ташкил этишда таргигбот ишлари муҳим аҳамиятга эгалиги. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, таргигбот-ташвиқотни ташкил этишда ташкилий тамойиллари тартиби баён этилган.

Annotation

This article highlights the importance of propaganda work in the process of educating military-patriotic patriotism among young people, modern propaganda technologies, and organizing systematic events of spiritual and educational work. It is



described the order of organizational principles of educating youth in a military-patriotic spirit and organizing propaganda.

Калит сўзлар: Тарғибот-оғзаки ёки оммавий ахборот воситалари орқали муайян ғояларнинг жамоатчилик онгида оммалаштиришга йўналтирилган фаолият. Ташвиқот-маълум бир ижтимоий гурӯҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундейдиган тарғибот фаолият. Тарғибот технологияси муайян маънавий тарғибот тадбiri дастури самарасини кафолатловчи жараён.

Key words: Propaganda is an activity aimed at popularizing certain ideas in the public consciousness through oral or mass media. Propaganda is propaganda activity that motivates a certain social group or public to act towards an intended goal. Propaganda technology is a process that ensures the effectiveness of a specific moral propaganda program of activities.

Тарғибот (лот. пропаганда - тарқатилиши керак бўлган маълумот) - оғзаки ёки оммавий ахборот воситалари орқали муайян ғояларнинг жамоатчилик онгида оммалаштиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Маънавий-маърифий ишлар тизими тадбирларини ташкил этишда **тарғибот ишлари** муҳим аҳамиятга эга.

Тарғибот ишлари орқали ёшлар ва ҳарбий хизматчилар орасида юксак мэрраларга ва илгорликка эришган намунали шахслар ва замон қаҳрамонларининг фаолияти ва ишларини тарғиб этиб бориш, уларнинг садоқат ва бурҷ, ҳалоллик ва поклик, масъулият ва жавобгарлик, жасурлик ва мардлик, юксак ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаб бориш, уларга ғоявий-сиёсий таъсир қилиш ҳамда ҳарбий хизмат билан боғлик (давлат ва жамият) манфаатларни ифода этишга қаратилган тадбирлар ташкил этилади.

Тарғибот ишлари ҳарбий қисм қўймондонлигининг ижодий уюшмалар, маданият муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг тизимли ва мақсадли фаолиятини ифодалайдиган, уларга маънавий тушунча ва тамойилларни чуқур сингдирадиган, онги ва қалбларида ватанпарварлик, садоқат, фахр ва ғурур туйғуларини ҳамда мустаҳкам ирода,



Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини оширадиган, юклатилган ўқув-жанговар вазифаларни сифатли ва ўз вақтида тўлақонли бажаришга йўналтирадиган амалий тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Тарғибот ишлари оғзаки шаклда (тезкор ахборот, сухбатлар, маъruzalар, муайян мавзуга бағишлиланган музокара ва семинарлар, мавзули кечалар, мунозара ва баҳслар), нашрли (газета, журнал, деворий газета, қўлланма, жанговар варака, китоб ва бошқа адабиётлар мутолааси), кўргазмали воситалар (плакат, фотомонтаж, панно, расмлар, китоб кўргазмалари, шунингдек, радио эшилтириш ва радиомулоқотлар, теле-видео дастурларни жамоа бўлиб томоша ва муҳокама қилиш ҳамда бошқалар) орқали олиб борилади.

Ташвиқот - одамларни шавқлантириш, уларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва оғзаки шакллардаги ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат ёки нафрат уйғотишини ўз ичига олади.

Ташвиқот (лот. агитация - ҳаракатга келтирмоқ) - маълум бир ижтимоий гурӯҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундейдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг оғзаки, нашрий ва аудио, видео турлари мавжуд бўлиб, у ғоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

Барча замон ва маконларда ҳам, ўз халки келажагини ўйлаган ҳар қандай мамлакатда ҳам ахоли давлат томонидан олиб борилаётган сиёsat, ислохотлар, ўзгаришлардан маълум даражада хабардор қилиб борилган. Бу эса жамиятни бирлаштириш, умуммиллий мақсадлар йўлида сафарбарликни таъминлаб, давлат ва жамият бирлигига эришишдек мақсадларга хизмат қилган.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишда тарғибот ишларини таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий инновацион ва интерфаол усул ва услублардан, ахборот-коммуникацион тизимлардан кенг ва унумли фойдаланиш катта самара беради. Кичик бир видеолавҳа ҳарбий хизматчиларнинг онги ва тафаккурига узун бир мақола ёки маъruzadan кўра самаралироқ таъсир этади. Шу боис, тадбирларни ўтказиш вақтида видеоматериаллар, телевидение ва радио имкониятларидан ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларидан кенг қамровли фойдаланиш йўлга қўйилиши керак.



Телерадио воситалардан ташқари матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки матбуот материаллари доимий ва узоқ вақт давомида ҳарбий хизматчиларнинг онги ва хулқ-авторига таъсир ўтказувчи, ҳарбий жамоалардаги барқарор ахлоқий-рухий ҳолатни сақлаб туришга хизмат қиласди.

Жамият маънавий хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда эҳтиёжлар ва манфаатларнинг янпшаниб борипш ўз навбатида уларнинг самарали, қисқа муддатда ва сифатли тарзда қондирилишини таъмин этувчи фаолиятни йўлга қўйилишини тақоза этади. Жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашда ёшлар бағрикенглиги феноменини юксалтириш билан узвий боғлиқ бўлган, унга янгича мазмун ва моҳият бахш этувчи тарғибот-ташвиқот фаолияти билан алоқадор ижтимоий дастурлар бугунги куннинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмокда. Мазкур жараённи олиб бориш учун ижтимоий ва сиёсий фанларнинг ютуқлари, маънавий тарғиботчининг салоҳиятидан самарали ва унумли фойдаланиш вазифаси маънавият ва маърифат ишида тегишли технология ва инновацияларни қўллаш ва ундан унумли фойдаланишни тақоза этади.

Жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашда ёшлар бағрикенглик феноменини юксалтириш ишида **тарғибот технологиялари** бирмунча мураккаб услубларни ўз ичига олади.

Маънавий тарғибот технологиялари — тарғибот мақсадига эришишнинг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган тарғибот жараёнининг яхлит тизим асосида, кетма-кет амалга ошириш, аниқ тарғибот мақсадига эрипшиш йўлида муайян усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиши, ҳамда тадғибот жараёнини юқори даражада ташкил этишни ифодалайди.

Тарғибот технологияси муайян маънавий тарғибот тадбири дастури асосида ташкил этиладиган, аниқ маърифий мақсаддага йўналтирилган ҳамда ушбу мақсадни самарасини кафолатловчи жараён мазмунидир.

Бугунги глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг кучайиб бораётган шароитида маънавий-маърифий тарғибот жараёнларини такомиллаштириш,



тарғибот ишларини режалаштиришга янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Маънавий-маърифий ишларга технологик ёндашув мазкур жараёнларни аниқ воситалар ёрдамида самарали олиб бориш ва қўйилган тарғибот мақсадларига муваффақиятли эришиш натижаларини кафолатлади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарғибот-ташвиқотни ташкил этишида қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

Узлуксизлик (маънавий бағрикенглик тамойилини ёшларга сингдириб боришни доимийлигини таъминлаш).

Кенг қамровлилик (жамиятда ёшларнинг барча тоифаларини маънавий бағрикенглик маданиятини тарбиялаш, маънавий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитет билан куроллантириш).

Босқичма-босқичлилик (ёшларни маънавий тарбиялашда таълимнинг барча босқичларида чора-тадбирларни ташкил этиш, таълимдан ташқари фаолиятда ҳам кетма-кет ташкилий ишларни олиб бориш).

Фаоллик (ёшлар маънавий тарбиясига жамиятни барча аъзоларини, ижтимоий институтларини фаоллигини таъминлаш, интерактив жараёнларни ташкил этиш).

Илғор тарғибот-ташвиқот (маънавий тарбияда тарғибот-ташвиқот ишларида ёшлар ўртасида энг илғор услублар ва технологияларидан фойдаланиш).

Меъёрийлик (ёшлар ўртасида маънавий тарбия ишларида баландпарвозлик, расмиятчилик ва буйруқбозликка йўл қўймаслик).

Натижадорлик (тарғибот тадбирларида юксак натижаларга, юқори самараларга эришиш, ёшлар маънавий хавфсизлиги ва барқарорлигини тўлиқ таъминлаш).

Ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини камол топтиришда маънавий-маърифий тарғибот ишларини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу маънавий тарғибот иши учун ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ



жараёнларни олиб боришини таъмин этади. Бугунги замонавий шароитда маънавий-маърифий ишларни кўлами ва мазмунни ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, ҳар бир тарғибот даврига кўра тадбирлар каталогини шакллантириб, доимий фойдаланиш учун архив ташкил этиш ва тўплаб бориш муҳим жараёндир. Мазкур услугуб орқали олиб борилган тарғиботлардан кейинги фаолиятда ҳам қиёсий ўрганиш ва фойдаланиш ишларида қўлланилиши мумкин.

Тарғибот жараённада **ахборот** мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан биридир. Маънавий тарғиботда ахборотнинг кўлами, мазмуни ва даражаси қуидаги мезонлар билан боғлиқ:

маънавият тарғиботчисининг касбий тайёргарлик даражаси;

тарғиботчининг тегишли маънавий муаммоларни қўйишида ва масалалар ечимини тавсия қилишида ҳаёт тажрибаси;

муҳим маънавий-маърифий мазмундаги ахборотларни излаб топиш ва уларни тегишли фаолиятда қўллашда етарли маҳорат;

тарғибот тадбирида тегишли ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларига эга бўлиш ва уларни ўрганиш, қайта ишлаш ва узатиш шарт-шароигларини мавжудлиги;

ахборотларни ўз ўрнида ўзлаштириш ва аудиторияга ҳавола этишида билимлар ва кўникмаларнинг юқорилиги;

тарғиботчида мамлакат ва ҳудудлар миқёсида ахборотларни олиш ва узатиш имкониятларнинг мавжудлиги.

Ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказишида ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари муайян амалларни аниқ, мунтазам, режали ва онгли равишида амалга оширишга кўмаклашади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказишида фойдаланиш мумкин бўлган воситаларни қуидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

Мультимедиа - тадбирларда ахборотнинг турли хил қўринишлари: рангли тасвирлар ва графика, матн ва графикда динамик ҳамда ҳдрақатли эфектлар, овозларнинг чиқиши ва синтезланган мусиқалар, анимация, шунингдек, мавзули видеоклиплар ҳамда видеофильмлардан фойдаланиш;



Интерактив доска - бу компьютер ёки бошқа манбадаги тасвиirlарни проектор орқали намойиш этадиган сенсорли экран ҳисобланади. Махсус дастурий таъминотга эга бўлган матн, расм, видео ва аудио маълумотлар тушириш имконини беради.

Видеоанжуман - ўзаро узокдаги гурухлар орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашиш, йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёнини таъминлайди.

Аудиоанжуман тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нуқталарда жойлашган бир қанча шахслар ва гурухларнинг маълумотларини овозли - рақамли кўринишида алмашиш жараёнини таъминлайди.

Ёшларни маънавий, ҳам маънавий бағрикенглик фазилатларини камол топтириш, жамиятда инсонпарварлик, ватанпарварлик жиҳатларини юксалтириш ишлари уларнинг шахс сифатидаги камолоти ва ижтимоий тафаккурини ошишига, ўзликни англаш, мустақил фикр юритишга ва ўз келажак истиқболини самарали яратишга қодир бўлган кишилар қилиб тарбиялашга замин ҳозирлади.

Маънавий бағрикенглик туйғуси ёшларни жамиятнинг маънавий тараққиёт мезонларини, унинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-фалсафий ҳамда социологик талқинларини чукур ўзлаштириши, шу билан биргаликда илмий- назарий гоялар қуролланишига муҳим мезон бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш ва уларни маънан етук ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш умуман кечикириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлиб қолмокда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарғибот ишларининг таъсиран воситаларидан бири **ижтимоий мулокот** ҳисобланади. Шунинг учун ёшларнинг оиласда ота-она билан, таълим-тарбия муассасаларида ўқитувчилар ва мураббийлар билан, жамоатчилик орасида жамоат ташкилотлари вакиллари ва оқсоқоллар билан ижтимоий мулокотга киришиши уларда ватанпарварлик туйғуларини намоён бўлишида муҳим ўрин тутади. Мазкур жараён ёшларга



ижтимоий намуна ва ихлосмандлик туйғулари билан биргаликда кечади.

Ижтимоий муроқотда радио, телевидение, интернет, газета, журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрни бекиёс бўлиб, улардаги ватанпарварлик мавзулар ёшларни камол топишида муҳим ўрин тутади.

Ёшлар ўз ижтимоий-маънавий ҳаёт фаолиятлари давомида жамиятдаги кўпгина инсонлар, кишилар жамоалари, ижтимоий групкалар билан теран доимий муроқотда бўлади. Бу эса, жамиятда ёшлар фаолиятининг асосий мезонига айланаб, уларнинг жамиятдаги бошқа аҳоли тоифалари билан ўзаро яқинлашуви оқибатида самимий муроқот ва бағрикенглик туйғулари вужудга келади.

Бу ҳақда мутахассис олимларнинг фикрича, “Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, хис-кечинмалар билан уртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, хис-кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки муроқот жараёнда ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади”.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ тарғибот тадбирларини инновацион ёндошув асосида, яъни замонавий, янгиликларга тўла, ривожланган технологик омилларни хисобга олиб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Тарғибот тадбирларида инновацион жараёнлар иштирокчилари ўз билимлари, салоҳияти ва креатив қобилиятларини ишга солиши, замонаавий технологик билимларни ҳам ишга солиши зарур хисобланади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тарғибот сифатини ошириш қуйидати инновацион мақсадларга эришишни назарда тутади:

инновацион маънавий-маърифий маълумотлар ва ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиши;

юқори малакали тарғибот соҳаси мутахассисларни амалиётга тайёрлаш юзасидан замонавий усуллар жорий этиш, уларни технологик қуроллантириш асосида инновацион муҳит яратиш;

маънавий-маърифий ишлар сифати ва узлуксизлигини инновацион



асосларда таъминлаш;

маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг касбий инновацион даражаси ва мутахассислик малакасини доимий равшщца ошириб борнш;

янги замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маънавий- маърифий жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориш.

Олимларнинг таъкидлашича, “Мустақил миллий ижтимоий тараққиёт янги сифатий босқичга ўсиб ўтишини таъминлашда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини диалектик тарзда уйғунлаштиришнинг яна бир усулинин инновацияларни иқтисодиёт ва маънавият соҳасига жорий этиш асосида уларни уйғун тарзда ривожлантиришни йўлга қўйиш ташкил этади.

Бу усул ёшларнинг меҳнат фаолиятини иқтисодиёт ва маънавият билан уйғун тарзда ташкил этиш асосида ривожлантиришнинг диалектик хусусиятларини ўзида ифодалаган воситалар орқали иш юритади”.

Умуман олганда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарғибот-ташвиқот ишлари доирасида чора-тадбирларни инновацион асосда амалга ошириш зарурияти қуидагилардан иборат:

Биринчидан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жойларда маънавий-маърифий тарғиботлар олиб бориш жараёнида муҳим мақсадларга эришишнинг қулай, самарали ва инновацион усулларни тақдим этади;

Иккинчидан, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги тарғибот тадбирларида самарали мулоқот орқали бу жараёндаги муаммоларни, вужудга келиш сабаблари ҳамда уларни самарали бартараф этиб бориш борасида муҳим хуносалар билан таъминлаб туради;

Учинчидан, тарғиботда фойдали ва инновацион усулларини, бугунги кун учун аҳамиятли бўлган замонавий технологиялар ва воситаларни жорий этилишига кўмаклашади;

Тўртинчидан, тарғибот ва ташвиқот орқали ёшлар, давлат ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида муҳим ижодий ва инновацион муносабатларни ўрнатиш



ва унинг амалиёти ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада юксалтиришга қаратилади;

Бешинчидан, жамият маънавий ҳаёти барқарорлигини таъминлаш жараёнларида ёшлар-жамоатчилик-давлат тизимида ўзаро муносабатлар орқали ижтимоий масъулиятни таъминлайди, маънавий соҳада такомилига хизмат қиласди, бу борада илғор усулларни ўзлаштириб, ундан фойдаланади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, ўтказилаётган тадбирларнинг таъсиранлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2019 йил 19 февралдаги 128-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, ҳарбий қисм ва муассасаларда “**Ҳарбий ватанпарварлар**” тарғибот гурӯҳи тузилган ва ёшлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

“**Ҳарбий ватанпарварлар**” тарғибот гурӯхининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

худудда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллгини янада оншириш;

ёшларнинг онгу шуурига ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишига, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш тушунчаларини етказиш;

ўқувчи-ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғуур ва ифтиҳор туйғуларини шакллантириш;

ёшларга буюк тарихимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётмиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли ёт ғоялар ва оммавий маданият таъсиридан ҳимояланиш ҳиссини уйғонишига кўмаклашиш;

ёшларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш;

ёшларга Ватанимизнинг мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашда миллий



армиямизнинг ўрни, аҳамияти ва жанговар салоҳиятини кенг тушунтириш.

Тарғибот гуруҳи ишларини ташкил этиш бўйича режа-жадваллар ҳар чорак учун туман худудий ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва режада асосий эътибор худудда жойлашган лицейлар, мактаблар, олий таълим муасссалаларида ёшларни кенг жалб этган ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот акциялари ўтказилишига қаратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конститутцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни 14.09.2016 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги” ПҚ-3898 сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида ги ПҚ-451- сонли қарори.
5. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Шавкат Мирзиёев. “Еркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
8. Авлоний А. Туркий гулистон `худ ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
9. Қуонов М. Тарғибот тамойиллари. – Т. Маънавият, 2015. – 32 б.